



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 158 (12.469)

Баҳоси эркин нарҳда



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ЮТУҚЛАР НАМОЙИШИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида анъанавий тарзда ўтказилаётган «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остидаги маънавий-маърифий ва маданий тадбир юртдошларимизга байрамона кайфият бахш этмоқда.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамда Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси томонидан ташкиллаштирилган бу галги тадбирда умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари, таълим тизими ходимлари, ёш мутахассислар ва фахрий педагоглар иштирок этдилар.

Миллий боғнинг кириш қисмида ташкил этилган кўرғазмалар, ўқувчиларнинг ўз қўллари билан яратилган ижодий ишлар йиғилганларнинг эътиборини тортиди. «Баркамол авлод» болалар ижодий марказлари, спорт мактаблари, Тошкент меҳмонхона хўжалиги, Тошкент туризм, Тошкент қурилиш ва миллий хунармандчилик, Учтепа миллий хунармандчилик, Тошкент қурилиш коммунал ва бошқа коллежлар ўқувчилари томонидан тайёрланган ижодий ишлар ўзининг бетакорлиги билан алоҳида ажралиб турди.

— Истиқлол йилларида давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида, хусусан таълим тизимида амалга оширилган ислохотлар ва эришилган ютуқлар моҳиятини кенг

тарғиб қилиш, ёшлар қалби, онгига бебаҳо неъмат бўлмиш мустақиллик ҳисси, Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини янада чуқурроқ сингдириш, баркамол авлодни ҳар томонлама билимли, юқори маънавиятли, мустақам иродали, Ўртбошимиз таъкидлаганларидек, ҳеч кимдан кам бўлмаган юксак интеллектуал салоҳият соҳиби этиб тарбиялаш мақсадида ушбу маърифий-маданий тадбир ўтказилди, — дейди Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бош мутахассиси Замира Азимбаева. — Бугун педагоглар олдида турган энг асосий вазифалар, бу — ёш авлодни маънавий-ахлоқий, маданий-маърифий жиҳатдан етуқ инсонлар қилиб тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш, бунда узоқ ва бой тарихга эга бўлган ўзбек халқининг таълим-тарбияга оид улкан меросидан мақсадли фойдаланиш, вояга етмаганлар ўртасида ахлоқий тубанлик иллатларига қарши манзилли профилактик тадбирларни тизимли амалга оширишдан иборатдир.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб 5-9 август кунлари «Соғлом бола — соғлом келажак» шиори остида Саломатлик ҳафталиги ўтказилди.

Президентимиз Исло Каримов таъкидлаганидек, фарзанд бор экан, одамзот ҳамisha эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди. Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада соғлом фарзанд туғилиши ва вояга етишини таъминлаш борасида амалга оширилаётган барча ислохотлардан кўзланган мақсад ҳам ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказишдир. Бу борадаги ишлар кўлами Обод турмуш йилида янада кенгаймоқда.

Мамлакатимизда «Соғлом она — соғлом бола» дастури ижросини таъминлаш мақсадида қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, ихтисослаштирилган тиббий-илмий марказлар, перинатал ва скрининг марказлари, замонавий туғруқ мажмуалари, ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказлари

аҳолига самарали тиббий ёрдам кўрсатмоқда. Зеро, соғлом ва баркамол фарзанд нафақат оиланинг, балки бутун жамиятнинг бебаҳо бойлигидир.

САЛОМАТЛИК ҲАФТАЛИГИ САМАРАЛАРИ

Бу жараёнда юртимиздаги ҳомиладор аёллар поливитамином билан таъминланмоқда. Озиқ-овқат маҳсулотларини шифобахш микроэлементлар билан бойитиш, эмлаш орқали юқумли касалликларнинг олдини олиш, оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш — доимий эътиборда.

ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида

«Баркамол авлод тарбияси ва ёшларни диний-экстремистик гуруҳларнинг зарарли таъсиридан ҳимоялаш масалалари» мавзусида матбуот анжумани ўтказилади.

✓ **ЭРТАГА** Чилонзор туманидаги «2-Чарх Камолон» маҳалла гузарига мустақиллик байрамига бағишланган маданий тадбир ташкил этилади.

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўрғазмалар залида Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган «Тошкент: кеча ва бугун» мавзусидаги кўрғазма яқунланди.

ТОШКЕНТ: КЕЧА ВА БУГУН

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — Ўза, Ўзбекистон Касаба уюмлари федерацияси кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўрғазмада пойтахтимизнинг ўтмиши ва бугуни, нури истиқболи тасвирий санъат ва фото асарларида акс эттирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдурахимова, Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар Президентимиз Исло Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида пойтахтимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий ва маданий салоҳиятини юксалтириш масалаларига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейи кенг нишонлангани қадимдан илм-фан ва маданият маркази, тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиб келаятган пойтахтимиз истиқлол йилларида янгича асосда ривожланаётганини дунёга намоён этди.

Кейинги йилларда Тошкент шаҳри таниб бўлмас даражада ўзгариб, янада кўркам қиёфа касб этди. Буюқ ажодларимизга ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида тарихий-меъморий обидалар тикланиб, янги-янги замонавий иншоотлар, таълим-тарбия, маданият ва маърифат, санъат, спорт, соғлиқни сақлаш масканлари бунёд этилди. Кўча ва хиёбонлар,

майдонлар, боғлар, кенг ва раvon йўллар, кўприклар шаҳарга янада чирой бахш этди.

Истиқлолнинг 22 йиллигига бағишлаб ташкил этилган мазкур кўрғазмадан кўзланган асосий мақсад халқимиз, айниқса, ёшларни пойтахтимизда амалга оширилган асрларга татигулик ўзгаришлар билан таништириш, уларда шу азиз юртдан фахрланиш, истиқлолимизни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, тинч ва фаровон ҳаётимизни қадрлаш туйғуларини мустақам қарор топтиришдир. Кўрғазмага тасвирий ва амалий санъат, фотография бўйича тўрт юзга яқин ижодий иш қўйилди. Уларда мустақиллик йилларида Тошкентда рўй бераётган улкан ўзгаришлар, баркамол авлод келажаги йўлидаги чексиз ғамхўрлик, ибратли анъана ва қадриятларимизнинг қайта кўз очгани, файзли ва обод маҳаллалар манзаралари акс эттирилган.

— Тошкент кун сайин чирой очиб, гўзаллашиб бормоқда, — дейди мусаввир Дилором Мамедова. — Бундай улкан ўзгаришларни тараннум этиш ижодкорга чексиз илҳом ҳамда катта масъулият бағишлайди. Бугунги тинч, фаровон ҳаётимиз ўз-ўзидан бунёд бўлмаганини янада теранроқ англаб, унинг қадрига етишимизда бундай асарлар — кўрғазмаларнинг ўрни бекиёсдир.

Кўрғазмада фаол иштирок этган бир гуруҳ ижодкорларга эсдалик совғалари топширилди.

Назокат УСМОНОВА,
Ўза муҳбири



Айла Абдуллаева (Ўза) олган сурат

Ана шундай изчил ишлар натижасида Ўзбекистон нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан тузилган жаҳон рейтингда болалар саломатлигини мустақамлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатаётган энг илғор ўн мамлакат қаторига киритилди. «Соғлом она — соғлом бола» миллий модели БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда самарали стратегиялардан бири сифатида эътироф этилди.

«Соғлом бола — соғлом келажак» шиори остида ўтказилган Саломатлик ҳафталиги бу йўналишдаги ишларнинг узвий давомидир.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигини маълум қилишларича, ҳафталик мамлакатимизнинг барча ҳудудларида узоққоқлик билан ташкил этилган. Тадбир доирасида Меҳрибонлик ва Мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг бемор ва ногирон фарзандлари, имконияти чекланган болалар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Урганчда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология кўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ижросини таъминлаш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг атроф-муҳитни муҳофаза этиш, маҳалла ҳудудини ободонлаштириш ва бошқа ишлардаги иштироки масалалари муҳокама қилинди.

• Обод турмуш йили муносабати билан Оҳангарон туманининг чекка қишлоқларидан бири Увақда 432 миллион сўмлик маблағ эвазига 50 ўринга мўлжалланган қишлоқ врачлик пункти бунёд этилиб, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатила бошланди.

• Андижон давлат университетида «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида Андижон вилоятидаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотлари етакчилари иштирокида ўқув-семинар ўтказилди.

• Самарқанд туманидаги «Алломиш» оромгоҳида ички ишлар идоралари ҳамсида турувчи вояга етмаганлар ҳамда махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари учун ҳарбий ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳи фаолият бошлади. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, вилоят прокуратураси, «Камолот» ЁИХ ҳудудий кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган оромгоҳга 120 нафардан зиёд бола жалб этилиб, улар билан тарбиявий ва маданий-кўнгилочар тадбирлар ўтказилмоқда.

• Дехқонobod туманидаги «Одамтош» телестанциясида рақамли шаклда узатилаётган теледастурлар сони яна биттага кўпайди. Бу ердан Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси кўрсатувлари рақамли телеканал орқали Дехқонobod, Фузор, Қамаш ва Чирокчи туманларининг аҳолисига узатила бошланди.

ЖАҲОНДА

• Шимолий Суданда рўй берган сурункали ёмғир натижасида сув тошқинлари келиб чиқди. Чунончи, Оқ Нил дарёсида сув сатҳи кескин кўтарилиб кетган ва сув тошқинлари оқибатида 36 киши ҳаётдан кўз юмган. Синоптиклар ушбу ҳудудда ёгингарчилик ҳафта охиригача давом этишини айтишмоқда.

• Перу шимолидаги Чиклайо ва Багуа шаҳарлари ўртасидаги автомобиль трассасида йўловчи автобус мева-сабзавотлар ортилган юк машинаси билан тўқнашиб кетди. Автобус салонида 55 нафар йўловчи бўлиб, уларнинг 10 нафари автоҳалокат натижасида шу ернинг ўзида ҳаётдан кўз юмган бўлса, яна икки нафари эса касалхонада жон берди.

• АҚШда 2009 йилда Техас штатидаги Форт Хут ҳарбий базасида 13 кишини отиб ташлаган майор Нидал Хасан устидан суд жараёни бошланди. Агарда ушбу ишни кўриб чиқайтган ҳарбий трибунал Нидални айбдор деб топадиган бўлса, унга ўлим жазоси хавф солади.

ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Яққасарой тумани ҳудудий тиббиёт бирлашмасида «Қадр-қимматим, таянчим ва

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ЮТУҚЛАР НАМОЙИШИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

— Мусиқа ва санъат мактабимиз 1964 йилда ташкил этилган бўлиб, ўқувчиларнинг маънавий ва эстетик ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиб бериш, уларнинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, маданий савиясини юксалтириш, миллий ва жаҳон мусиқалари дурдоналаридан баҳраманд бўлиши учун зарур шароитлар яратиш, иқтидорли ёшларни шу соҳанинг ўрта махсус таълим муассасаларига тайёрлаш ўқув муассасамизнинг асосий вазифаси ҳисобланади, — дейди Халқ таълими бош бошқармаси тасарруфидаги Ҳамза туманидаги 19-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби раҳбари Гулноза Суенова. — Ҳозирги кунда юздан ортиқ ўқувчиларимиз мусиқа ва санъат йўналиши бўйича таълим олиб, санъат сир-асоратларини ўрганишмоқда. Мусикадан — дутор, скрипка, фортепиано, гитара, рубоб чолғуларидан, санъат йўналиши бўйича тасвирли санъат ва хореографиядан сабоқ олишди. Мактабимизда олий, ўрта махсус маълумотли кўплаб ўқитувчилар дарс бериб келишмоқда. Богда ташкил этилган кўргазма орқали мактабимиз фаолияти, ундаги йўналишлар ҳақида чуқурроқ маълумот берилмоқда. Бу ўз навбатида умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун кўргазмалӣ кўрол сифатида фаолиятимиз

билан чуқурроқ таништирмоқда. Таъкидлаш жоизки, бундай кўргазмалар орқали йигилганлар ўз фаолиятини намоийиш этади, шу билан бирга бошқа тўғарақлар билан ҳамкорлик ўрнатиш имкони яратилади.

— Дунёдаги бирорта давлат эртанги кун эгалари бўлган ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний камолоти учун қайғуриш, уларнинг замон талабларига мос билим олиши, касбуналар танлаши, қобилияти ва иқтидорини эркин намоён қилиши ва янада ривожлантириш учун зарур шароитларни яратишда Ўзбекистонга тенглаша олмайди, — дейди кимё фанидан 47-халқаро Менделеев олимпиадаси кумуш медалга ҳамда кимё фанидан 45-жаҳон олимпиадаси қолиби Тошкент Педиатрия-тиббӣ институти қошидаги 1-сон академик лицейининг 2-босқич ўқувчиси Беҳзодбек Болтаев. — Бу ҳақиқатни бугунги кунда кимё ҳамжамияти ҳам чуқур эътироф этмоқда. Жорий йилнинг июль ойида Москва шаҳрида кимё фанидан бўлиб ўтган 45-жаҳон олимпиадасида Ўзбекистон делегациясининг битта олтин ва 2 та бронза медални қўлга киритиши кўпчилик мутахассисларни ҳайратга солди. Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида кўлга киритилган ушбу галабамиз биз ёшлар томонидан байрамга муносиб совға бўлди, деб ўйлайман.

— Азим шаҳримизнинг сўлим гўшаси бўлмиш богдаги сайилда қатнашмоқдамиз, — дейди Шайхонтоҳур туманидан ташриф буюрган Карима Йўлдошева. — Невараларим билан богга айлангани келиб, ажойиб концерт дастури, турли хил қизиқарли кўргазмаларни кўриб қайтмоқдамиз. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Гулбахор Эрқулова ва Авазбек Олимовларнинг куй-қўшиқлари дилларга хуш ёқди. Барчага бундай хурсандчилик улашаётганлари учун ташкилотчиларга миннатдорчилик билдираман...

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг йигирма икки йиллиги арафасида ўсиб келаётган ёш авлодни юсак маънавиятли, мустақам иродали, интеллектуал салоҳият соҳиби этиб тарбиялашга ҳисса қўшган ҳолда таълим соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган устоз педагоглар, ёш бўлишига қарамай давлатимиз шарафини дунёга танитаётган Республика, халқаро ва кимё фанидан 47-халқаро Менделеев олимпиадалари қолиблари ташкилотчилар томонидан тақдирландилар.

Республикамизнинг таникли санъаткорлари, ёш хонандалар томонидан куйланган қўшиқлар барчага хуш кайфият бағишлади.

Зийда РАСУЛОВА

Ислом Исмоилов олган суратлар

Мамлакатимизда ўсиб келаётган авлод онги ва қалбида эзгу ғояларни қарор топтириш, ёшларни юсак инсоний фазилатлар, мустақил ва соғлом тафаккур соҳиблари этиб воғва этказиш, истеъдодини ривожлантириш борасида «Баркамол авлод» болалар марказларининг ўрни катта.

БАЙРАМГА МУНОСИБ СОВҒА



Мустақиллигимиз байрами арафасида янги-янги биналарнинг қад ростлаши, мавжудларининг замон талабларига мос равишда таъмирланиши анъана тусига киргани барчага маълум. Ана шундай хайрли ишлардан бири Ҳамза туманида ҳам амалга оширилмоқда.

Туман «Баркамол авлод» болалар маркази биноси капитал таъмирланиб, мустақиллик байрамга тумандаги болажонлар учун туҳфа қилиниши кўзда тутилган. Шу мақсадда бинанинг ташқи томони тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Бундан ташқари хоналар ва фасад қисмида пардозлаш ишлари олиб борилди. Акфа ромлари ўрнатилди. Фаоллар ва спорт залларининг томи бўйсини таъмирлаш ишлари якунланган. Бинодаги таъмирлаш ишларини олиб бораётган «Siyadi Qurilish» МЧЖ ходимлари зиммаларига юклатилган вазифани муваффақият билан амалга оширишмоқда.

— Марказдаги турли хил йўналишдаги тўғарақларда ўқувчилар хуна сирларини ўрганишмоқда, — дейди «Баркамол авлод» болалар маркази туман бўлими раҳбари Олимжон Исҳоқов. Болажонларимизга янада қулайлик яратиш мақсадида қилинаётган ишлар албатта ўз самарасини беради, деган умиддамиз.

Зарина РУСТАМОВА

САЛОМАТЛИК ҲАФТАЛИГИ САМАРАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 1-Мурувват уйда уч юздан ортиқ бола тарбияланади. Ўттизга яқин тиббӣет ходими, қирққа яқин тарбиячи уларнинг саломатлигини яхшилаш ва жамиятда ўз ўрнини топишга қўмаклашиш борасида кенг қамровли ишларни олиб бормоқда. Муассасада ташкил этилган тиббӣет хоналари, хусусан, физиотерапия муолажалари ўтказиладиган хона замонавий асосда жиҳозланган.

— Амалга оширилаётган узлуксиз тиббӣет-ижтимоий реабилитация ишлари натижасида жорий йилнинг ўтган даврида йигирма нафарга яқин ўғил-қиз оиласи бағрига қайтди, — дейди мазкур муассаса директори ўринбосари Максуд Аҳмедов. — Мазкур акция болалар саломатлигини асрашга қаратилаётган яна бир муҳим лойиҳадир. Тиббӣет кўрик жараёнида аниқланган касалликларни соғломлаштириш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаб олди.

Ҳафталик доирасида етакчи тиббӣет муассасалари, кўп тармоқли болалар тиббӣет марказларининг малакали шифокорлари жойларга чиқиб, ҳудудлардаги мутахассислар билан биргаликда болаларни тиббӣет кўриқдан ўтказди.

— Зангиота, Қибрай, Бўка, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл туманларидаги болалар тиббӣет-ижтимоий муассасаларида тиббӣет кўриқларда қатнашдик, — дейди Тошкент вилояти болалар кўп тармоқли тиббӣет маркази бош шифокори Саида Мирзараҳимова. — Аниқланган хасталикларни амбулатория ва стационар шароитда соғломлаштириш бўйича тегишли тавсиялар берилди. Бундай изчил ишлар натижасида сурункали касалликларга чалинган болалар сони камайиб, соғлом болалар кўрсаткичи йилдан йилга ортиб бораётди.

«Соғлом бола — соғлом келажак» шиори остида ўтказилган Саломатлик ҳафталиги келажак авлод камолотини кўзал амалга оширилаётган эзгу ишларнинг мантӣий давоми, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохот аввало инсон манфаатларига йўналтирилганининг амалдаги яна бир ифодасидир.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

ЯНГИ ҚОНУН ТАРҒИБОТИ

Давлат божхона қўмитаси томонидан 2013 йил 30 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини ташқиқтисодий фаолият иштирокчиларига яқиндан етказиш мақсадида турли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда жойларда семинар-тренинглр ташкил этиб келинмоқда.

«Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплексида Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Божхона кодексининг 96-моддасига киритилган ўзгартириш ва тўлдиришлар ҳақида фикр юритилди. Илгари «Дастлабки божхона декларацияси» деб номланган мазкур модда ўз моҳиятидан келиб чиққан ҳолда «Муваққат ва тўлиқ бўлмаган божхона декларацияси» номи остида янги таҳрирда баён этилди. Унга кўра, турли сабаблар туфайли декларант батафсил божхона декларациясини тақдим эта олмаса, муваққат ёки тўлиқ бўлмаган божхона декларациясини топшириши мумкин. Ушбу декларацияда божхона мақсадлари учун зарур бўлган асосий маълумотлар баён этилиши лозим. Етишмаётган маълумотлар эса белгиланган муддатларда тақдим этилиши шарт.

Шунингдек, Божхона кодексига товарларнинг божхона ҳудудига етиб келгунига қадар дастлабки декларациялаш тартибини белгиловчи 96- модда киритилди. Таъкидлаш жоизки, дастлабки декларациялаш декларантларнинг хоҳишига кўра қўлланади. Ушбу жараёнда товарнинг кузатув ҳужжатларидан фойдаланишга эҳтиёж туғилгудек бўлса, декларант томонидан уларнинг тасдиқланган қўлма нусхалари илова қилиниши мумкин. Шунингдек, товарлар божхона ҳудудига етиб келгунига қадар уларни текшириш туғатилганидан ва ҳисобланган божхона тўловлари тўланганидан кейин, дастлабки божхона декларациясидан божхона операциялари товарларга қўлаш учун зарур бўлган ягона ҳужжат сифатида фойдаланилади.

Импортерларга тақдим этилаётган имкониятлардан яна бири шундан иборатки, улар томонидан ортиқча тўланган ёки ундирилган божхона тўловлари бир йил ичида тўловчининг талабномаси бўйича ўрнатилган тартибда қайтарилади ёки бўлгуси тўловлар ҳисобига ўтказилади.

Республикамиз бўйлаб ўтказилган бу каби семинарларга Тошкент шаҳар Божхона бошқармасида бўлиб ўтган учрашув яқун ясади. Унда қонунга киритилган бир қатор янги нормаларнинг аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритилди. Жумладан, Божхона кодексидан эркин божхона зонаси режими амал қиладиган ҳудудда биналар, қурилмалар ва иншоотларни барпо этишни божхона органи билан келишиш тўғрисидаги талаб ҳамда божхона ташувчиси-нинг божхона назорати остидаги ташишлар тўғрисида божхона органларига тегишли ҳисобот тақдим этиши талаби чиқариб ташланди. Шунингдек, эндиликда халқаро ташишларда қўлланадиган чет тиллардаги ҳужжатларни божхона органларига тақдим этиш учун божхона органларининг ружхатномаси керак эмас.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қонун ҳам ташқиқтисодий фаолият иштирокчилар, ҳам божхоначилар учун бирдек қўлайлик туғдириб, божхона назорати ва расмийлаштируви жараёнларини янада содда-лаштириш ва енгиллаштириш имконини бермоқда. Тадбирлар давомида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Даврон НУРМАТОВ



Халқаро терроризм ва диний экстремизм аллақачон башариятнинг бошига битган балога айлиб улгурган. Ўзбекистонимиз ҳам бир неча бор бунинг жабрини тортди. Шунинг учун бундай ёт оқимларга қарши кураш жамиятимизнинг бирламчи вазифалари сирасига киради.

Олмазор туманида ҳам шундай ёт таъсирларга тушиб қолган ёки шунга мойил оилаларни ўрганиш бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат жамоатчилик тузилиб, унинг аъзолари маҳаллаларга бириктирилди. Тумандаги 58 та маҳаллада ҳам хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЕИХ, «Нуроний» жамғармаси вакиллари ва ўша ҳудудларда истикомат қилаётган фаоллардан иборат жамоатчилик гуруҳи тузилди. Шу тариқа маҳалладаги барча оилалар қайта кўриб чиқилди, рўйхатлар шакллантирилди. Бириктирилган вакиллар билан биргаликда оилаларга кирилиб, аҳвол атрофлича ўрганилмоқда ва аниқланган муаммоларни имкон доирасида ҳал этиш чоралари кўрилмоқда, маҳаллада ёчимини топмаган муаммолар туман ва шаҳар ҳокимлигига ҳал этиш учун тавсия этилмоқда.

Глобаллашув даврида меҳнат миграцияси — табиий жараён. Фуқаронинг хорижий давлатларга бориб, даромад топиб келиш ҳуқуқини ҳеч ким чеклай олмайди. Аммо халқаро терроризм ва диний экстремизм гумашталари айнан шундай фуқароларнинг ожиз нуқталарини аниқлаб, уларга ўз ёвуз ғояларини сингдиришга уринаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Туман ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, жумладан, прокуратура ходимлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, уларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари томонидан узоқ муддатга хорижга чиқиб кетган аёлларнинг оилалари доимий равишда назоратга олинган. Бу каби оилалар билан диний-экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолишнинг олдини олиш борасида маҳаллаларда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, масжидлар имом хатиблари, отиноийлар билан биргаликда тушунтириш ишлари олиб борилиб, суҳбатлар ўтказиб келинмоқда. Йил бошидан тумандан хорижий мамлакатларга ишлаш учун кетган 83 нафар фуқаронинг оила аъзолари билан профилактик суҳбатлар ўтказилиб, кетиш сабаблари аниқлиниб, тарғибот ишлари олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги «...Амнистия тўғрисида»ги қарорига асосан озод этилган, қамалгунга қадар туманимизда доимий рўйхатда туриб истикомат қилган 6 нафар фуқаро жазо муддатини тўлиқ ўтаб, озод этилди ҳамда туман ички ишлар бошқармаси томонидан муқаддам судланган ва диний экстремизм оқимига мойил шахслар сифатида профилактик рўйхатга олинди, улар билан яқна тартибда профилактик суҳбатлар ўтказиб борилмоқда.

Бу фуқаролар доимий яшаш жойига қайта рўйхатга қўйилди. Улар томонидан келгусида қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш, иш билан таъмин-

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИ СИРАСИГА КИРАДИ

лаб, ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилиш мақсадида туман ҳокимлиги қошидаги Бандликка қўмаклашиш маркази томонидан муайян моддий ёрдам ҳам кўрсатилди.

Ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида маҳаллаларда ҳуқуқий мавзуларда учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими, таълим муассасалари ҳамкорлигида маҳаллалардаги диний нуқтидаги оилаларнинг воғва этмаган фарзандлари рўйхатлари тузилиб, мониторинг ўтказилляпти. Шундай оилаларда тарбияланаётганлар билан алоҳида иш олиб борапмиз. Уларни қизиқишларига кўра, турли тўғарақларга жалб этиш ҳамда маҳалла орқали таъсир доирасини кенгайтириш бўйича ҳамкорликда фаолият амалга ошириляпти. Улар ўртасида

Камол ТОЖИҚУЛОВ,
Олмазор тумани прокурори,
адлия маслаҳатчиси



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



МЕХР-МУРУВВАТ – ГЎЗАЛ ФАЗИЛАТ (2004 йил)

Истиқлол амалда барча миллий маънавий кадрларимизни тиклаш, ардоқлаш, такомиллаштириш учун кенг имкон яратди. **Мехр ва мурувват** – элимиз аср-асрлар мобайнида эъзозлаб келган ана шундай буюк кадрларимиз сирасига киради.

Мурувват – борча бермақдур, емак йўқ, Футувват – борча қилмақдур, демак йўқ, – дейди буюк Алишер Навоий. Яъни қўлида борини бировга бериб, ўзи емаса – мурувват, қўлидан келади деган барча яхшиликни бажо айлаб, буни ҳеч қачон айтмаса, миннат қилмаса – мурувватдан ҳам юқорироқ даражадаги футувват бўлар экан...

Президент Ислам Каримов 2004 йилни «Мехр ва мурувват йили» деб эълон қилганида, аввало, халқимиз менталитетидаги ана шу эзгуликка мойиллик кайфиятидан, қолаверса, ўтиш даврида изчил амал қилинаётган кучли ижтимоий сиёсат тамойилидан келиб чиққан. 27 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан «Мехр ва мурувват йили» Давлат дастури қабул қилинди ва йил давомида унинг изчил ижроси таъминланди.

1 январда Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилати – ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроия кўмитаси фаолият кўрсата бошлади.

23 март куни, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таклифи билан, Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг мамлакатимизга давлат ташрифи чоғида олтинчи йилдан буён буюк озарбойжон шоири номи билан юритиладиган, талабалар сонига кўра, мамлакатимиздаги энг йирик олий таълим муассасаси – Тошкент давлат педагогика университети саҳнидаги майдонда Низомий Ганжавий буюк ўрнатилши икки халқ ҳаётида катта тарихий воқеа бўлди.

Бу эса яна бир қарра: «Низомий Ганжавий ким эди, хусусан, ўзбек адабиёти учун унинг ижоди қандай аҳамият касб этди?» – деган саволни ўртага қўйишга улғайди.

Низомий Ганжавий – шак-шубҳасиз, ўзбекнинг ҳам сеvimли қалам сохибларидан бири. Адабиётимизнинг кўп асрлик тарихини бу шоир ижодининг кучли таъсирисиз тасаввур қилиш асло мумкин эмас. Унинг асарлари юртимизда асрлар мобайнида аслиятда – форсийда муталаа қилиб келинган. Бу бебаҳо ижод намуналарининг кенг халқ оmmasига етиб бориши учун уни туркийга, яъни ўзбекчага таржима қилиш ҳам давом этаверган. XIV асрда шоир «Хамса»-сидаги «Хусрав ва Ширин» достонини Кутб Хоразмий тилимизга ўғирди (1330 – 1340), XV асрда эса «Махзан ул-асрор» достонини Хайдар Хоразмий «Гушан ул-асрор» номи билан таржима қилди (1409 – 1414), XIX асрда келиб Муҳаммад Ризо Оғаҳий Низомийнинг «Хафт пайкар» достонини наср йўли билан ўзбекчалаштирди.

Ўзбек халқининг улғу шоири ва мутафаккири, шеърятнинг буюк сўлтони Алишер Навоий ижодини ҳам Низомий Ганжавий меросининг улкан таъсирисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Қизиқ тасодифси қарангки, Низомий Ганжавий Алишер Навоий таваллуд топган йилдан роппа-роса уч аср олдин – 1141 йили Озарбойжоннинг Ганжа шаҳрида туғилди ва 1208 йили шу ерда бандаликни бажо келтирди. Бобокалонимиз ўзини не-не буюк шоирлар ичра фақат Низомийгагина қиёс қилишни маъқул кўрган:

Фалак кўрмади мен киби ноdire, Низомий кеби назм аро қодире. Чунки Навоийнинг қатъий фикрига кўра:

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ, Низомий панжасига панжа урмоқ,

Навоий «Хамса»сининг сўнгида ўзини айнан устод Низомий тилидан таърифлагани ҳам бежиз эмас. Гўё буюк озарбойжон шоири улғу ўзбек шоирига:

Ки келди замонида сендек киши, – Ки эрмас ишинг одамизод иши, – дейди.

Низомий ижодиётининг бизда бу қадар юксак қадр топишига яна бир сабаб бор. Низомий таржимаи ҳолида унинг юртимизда бўлган-бўлмагани ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Лекин улғу шоир асарларида Озарбойжонни қандай меҳр билан тилга олган бўлса, Туркистон, Хоразм каби ўлка номларига, Самарқанд, Чоч (Тошкент), (Нахшаб) Қарши каби шаҳарларимизга ҳам худди шундай хурмат-эҳтиром билан кўп-кўп тўхталиб ўтади. Бу XII – XIII асрларда ҳам Ватанимиз билан Озарбойжон диёри ўртасида тигиз маданий ҳамкорликлар бўлгани, у ерда ҳам бизнинг юртимиз ва шаҳарларимизни яхши билишганидан далолат беради.

«Хусрав ва Ширин»да Чоч (Тошкент) шаҳрини ҳам эсладики, бу пойтахтимизда унинг бюсти

Истиқлол, слоҳот, стиқбол

ўрнатилиши ҳам тасодифий ҳодиса эмаслигини кўрсатади.

2004 йилнинг апрелида Боку шаҳридаги Рашид Бехбудов театрида бўлиб ўтган «Навоий ва Фузулий» адабий кечасида иштирок этиш учун борганимизда Ўзбекистон Республикасининг Озарбойжон Республикасидаги элчихонаси ходимлари айтиб беришганига кўра, Озарбойжон Республикаси Президентининг Ўзбекистонга қилган сафаридан, хусусан, мамлакатимиз пойтахтида Низомий Ганжавийга бюст қўйилганидан шу қадар мамнун бўлибдики, Боку аэропортига тушгани заҳоти уни кутиб олгани чиққан масъул раҳбарларга Озарбойжон пойтахтининг энг гўзал ерини буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатиш учун танлаш вазифасини юклабди. Шу тарихда 2008 йил 11 сентябрда Бокуда Алишер Навоийга ҳам ҳайкал ўрнатилди.

Буюклар халқларни дўстлаштиради, дегани шу бўлса керак. Мустиқлик йилларида бу икки буюк зот икки қардош халқ ва давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг асрий ва абадий рамзига айланди.

Март ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Хожа Аҳрор таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисида» қарор қабул қилди (25.03), Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси (26.03), Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти (27.03), Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти негизда Тошкент ирригация ва мелиорация институти (30.03) ташкил этилди. 26 мартда Япониянинг энг нуфузли олий ўқув юртларидан бири – Токиодаги Соко университетида Алишер Навоий ҳайкали очилди.

25 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони имзоланди. Шу фармонга биноан, маҳалла фуқаролар йиғинлари оксоқолларининг хотин-қизлардан тайинланадиган, маош билан таъминланадиган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари лавозими жорий этилди. 29 июнда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

8 апрелда Латвия Республикаси пойтахти Рига шаҳрида улғу аллома Мирзо Улуғбек ҳайкали очилди.

Шу ойда Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасини ташкил этишга қарор қилинди (03.04), Иккинчи қақирққ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида», «Сийёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинди (29 – 30.04)

«Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган яна бир муҳим ҳаётий омил – бу таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғлиқдир, – деб эъзади Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ўзининг «Юксак маънавият – энгилмас куч» китобида. – ...Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси».

Беҳиз эмаски, истиқлол йилларида таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга, уни замонавий талаблар даражасига кўтаришга ҳаракат қилинди. Шу йўналишда 5 апрелда Тошкентда «Таълим – келажакка йўналтирилган сармоя» мавзусида минтақавий конференция бўлиб ўтди (05.04), Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда Марказий Осиё мамлакатлари таълим вазирликлари раҳбарлари иштирок этди. 2004 йил 21 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004 – 2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги яна бир тарихий фармони қабул қилинди. 2004 – 2009 йилларда умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва янгидан қуриш учун давлат бюджетидан 1 триллион 200 миллиард сўм маблағ ажратиб берилди.

Давлатимизнинг таълим тизимини такомиллаштириш йўлидаги тарихий ислохотлари моҳиятини тушунмасликка ҳаққимиз йўқ. Чунки таракқиётнинг бир олтин қойдаси бор: таълимга сарфланган маблағ ҳеч қачон касодга олиб келмайди. Мустиқлик йилларида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида кўплаб оламшумул ишлар қилинди. Амалда мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида янги, замонавий академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари қад ростлади.

Эз ойлари ҳам мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий ҳаётида муҳим воқеаларга бой бўлди. Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилатига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммити бўлиб ўтди (17.06), Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ташкил этилди (07.07), Хоразм вилоятида «Боготекстиль» ва «Шовотекс» қўшма корхоналари ишга туширилди (август), Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси фойдаланишига топширилди (31.08).

27 сентябрда Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Давлат спорт кўмитаси негизда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташкил этилди.

Дарвоқе, спортдаги ютуқларимиз мамлакатимиз номини жаҳон саҳнасига олиб чиқишда алоҳида ўринга эга. 13 июлда Ливия пойтахти Триполи шаҳрида якунланган шахмат бўйича жаҳон чемпионатида тарихда илк бор ўзбек шахматчиси, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди. Бу билан миллат ақл бобида ҳам нималарга қодир эканини яққол кўрсатди. Август ойида Афинадаги Олимпиада мусобақаларида Александр Доктуришвили юнон-рум, Артур Таймазов (28.08) эркин кураш бўйича йигирма саккизинчи Олимпиада ўйинлари чемпиони, Магомед Ибрагимов эса (29.08) кумуш медал совиридор бўлди.

Октябрь ойида Ўзбекистон транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси (11.10), Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси (15.10) ташкил этилди, Самарқанд шаҳрида Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг «Буюк Ипак йўли» деб номланувчи ваколатхонаси очилди (25.10), Тошкентда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди (28.10).

2004 йил 26 декабрда (такроран эса 2005 йил 9 январидан) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўлиб ўтди.

Шу йили «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси ташкил этилди. Бу ҳам «Мехр ва мурувват йили» Давлат дастури мазмун-моҳиятига тўла мос келар эди...

Олим МАХМУДОВ (Келгуси сонда 2005 йил воқеалари тафсилоти билан танишасиз).

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИД ДОМО БЎГУР

МАШРИҚЗАМИН – ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ўзингдан ортиб яшаш бахт.

* * *

Ишонтирганга ён берадилар.

* * *

Инсоннинг улуглиги ҳам, заифлиги ҳам ўзидан.

* * *

Хатосини англаса, нодон нодон бўлмас эди.

* * *

Ким тан беради, ким панд беради.

* * *

Кимни унутгинг келмайди, кимни ёд этгинг.

* * *

Етиб пушаймон қилгандан етмай армон қилган яхши.

* * *

Бировнинг ҳақини еб ҳеч ким барака топмаган.

* * *

Хоҳиш бўлса, вақт топилади.

* * *

Доно меҳнатнинг ортидан қувади, нодон маишатнинг.

* * *

Бир ножўя қадам шаънингга бир умрлик доғ бўлиб тушиши мумкин.

* * *

Инсон ўзининг ожиз томонларини тан олгиси келмайди.

* * *

Арзимаган эҳтиётсизлик ҳам баъзида жуда қимматга тушади.

* * *

Ёлғон ҳеч қачон ҳақиқатнинг ўрнини босолмайди.

* * *

Чалғиганнинг иши унмайди.

* * *

Кўлидан иш келмаган, гапни айлантиради.

* * *

Бекорчининг умри увол.

* * *

Ҳаётнинг ўзи ақлингни киритиб қўяди.

Узгидромет Хабар Қилади

Узгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 14 августда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фоз кўпайиши тахмин қилинмоқда, таъмиқдори паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 14 августда ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 18-20, кундузи – 30-32 даража

ТОШКЕНТДАГИ СИНГАПУР МЕНЕЖМЕНТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИ

МУСТАҚИЛЛИК — ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ



БУГУНГИ ҲОЛАТ

АВВАЛГИ ҲОЛАТ



Шаҳар Фавқулдада вазиятлар бошқармаси фаолиятдан

ОРОМҒОҲЛАРДА ҚИЗИҚАРЛИ МУСОБАҚАЛАР

Ёз ойининг жазирама кунлари давом этаётган бўлсада, айни пайтларда кичкинтойларимизнинг орзиқиб кутган кўнгилли ҳордиқ онлари одатдагидек республикамизнинг тоғ ва тоғолди ҳудудларидаги энг баҳово, соя-салқин соғломлаштириш оромгоҳларида ўтмоқда.

Тошкент вилоятининг тоғолди ҳудудларида жойлашган болалар оромгоҳлари бу йилги мавсумда ҳам анча гавжум. Чор тарафи мевали ва манзарали дарактлар билан ўралган баҳово, соя-салқин ҳудудларда барпо этилган дам олиш масканларида кичкинтойларнинг беғубор ўйин-кулгилари гавҳ бўлса.

канларининг ҳар бирида фуқаро муҳофазаси кунларини белгилаш бораборида «Ёш кўтқарувчи» спорт мусобақасини ташкил этиш ва бошқа хавфсизлик тадбирларини ўтказиб туриш яхши анъанага айланган.

ҳофазаси кунини бағишланган «Ёш кўтқарувчи» мусобақалари ўтказилди.

Болалар дам олиш оромгоҳида тарбияланаётган ёшлар таркибидан ташкил тоған 6 нафардан икки гуруҳ тuzилиб, «Кўтқарувчи» ва «Халоскор» жамоалари деб номланди ва улар 5 босқичдан иборат мусобақада баҳс юритишиб, ҳар иккала жамоа томонидан бир неча шартлар бажарилди.

«Ёш кўтқарувчи» мусобақасининг навбатдаги босқичи «Семург» соғломлаштириш оромгоҳида давом эттирилди.

Мусобақалар тугагач, Ўзбекистон Республикаси Фавқулдада вазиятлар вазирлиги Республика кўп тармоқли тез ҳаракат қилиш марказининг «Авария-кўтқарув», «Кидирув-кўтқарув» ва «Сувда кўтқарув» гуруҳларининг махсус асбоб-ускуналари ҳамда жиҳозланган автоуловлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

Азамат СУЙОНОВ, журналист

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАР КУЧ СИНАШДИ

Олмазор туманидаги «Истиқлол» спорт мажмуасида 9-14 ёшли болалар ва ўсмирлар жамоалари ўртасида «Футболнинг келажати» анъанавий республика кубоги мусобақаларининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди.

Барчамизга маълумки, мамлакатимизда ёшларнинг спорт билан шуғулланишига катта эътибор қаратилмоқда. Улар учун замонавий спорт иншоотлари, волейбол, футбол майдонлари, очик ва ёпиқ сузиш хавзалари, кўйинги, ёш авлоднинг жиҳмонан соғлом бўлиб вояга етиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Олмазор туманидаги «Истиқлол» спорт мажмуасида бўлиб ўтган мусобақада Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри маҳаллаларининг ёш футболчилари майдонга тушди.

9-10 ёшли болалар ўртасида Тошкент вилояти, Бекобод шаҳрининг «Янги ҳаёт» маҳалласи жамоаси, 11-12 ёшли болалар баҳсида Яққасарой туманидаги «Қушбеги» маҳалласи футбол жамоалари биринчилиги кўлга киритди.

Мусобақа ақунда турли номинацияларда энг яхши деб топишган футболчилар ҳамда голиб жамоалар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

Абдуалим САЛИМОВ

Комсток қурти ҳашароти илмий тилда «Pseudococcus comstocki kuw» деб номланади. Ватани Япония ҳисобланган бу ҳашарот ўрта Осиёнинг барча республикаларида асосан тутнинг энг хавфли зараркундаларидан бири бўлиб, шу билан бирга кўпгина мева ва манзарали экинларга, хусусан, беҳи ва анорга ҳам зарар келтиради.

Мутахассис маслаҳати

МУҲОФАЗА ЧОРАЛАРИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИНГ

Анорнинг косчаси комсток қурти ва унинг туҳумини яхши ҳимоя қилади. Дарахт танаси, шохлари ва баргларида жам бўлиб жойлашади ва дарахт ширасини сўради, натижада барглар тўқилади, ёш новдалар қурийдил, ҳосилдорлик кескин камаяди.

ҳалок бўлиши мумкин. Дарахт ёриқлари, пўстлоқи ичидаги, девор ва говак ёриқлари орасидаги туҳумлар сақланиб қолади.

Чўзинчоқ овал шаклидаги, усти оқ мум билан қопланган комсток қурти сўрувчи ҳашаротларнинг ўн гўборли қуртлар оиласига мансуб. Урғочиси 300 дан ортиқ оч сарик рангли туҳум қўяди.

Кумура чоралари қўлланилганда комсток қуртининг псевдофиксус биологик кушандаи ҳамда кимевий препаратлардан фойдаланилади.

Мунира САҒАТОВА, Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекцияси чегара пункти ноэири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 12 сентябрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

- 1. Мирзо Улуғбек туман Суд ижрочилири бўлими томонидан савдога қўйилган: 1. Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2011 йил 30 сентябрдаги 10-1115/12139-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 74-уйда жойлашган, умумий ер майдони 9,0 кв.м. бўлган 177-сонли тургун савдо дўкони. Бошлангич нархи — 35 189 218,80 сўм.

4 887 кв.м. бўлган қурилиши тугалланмаган 8 қаватли бино. Бошлангич нархи — 2 449 614 000 сўм.

2013 йил 3 сентябрь кунини соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулклар такроран арзонлаштирилган нархларда савдога қўйилган:

- II. Чилонзор тумани Суд ижрочилири бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман судининг 2012 йил 10 майдаги 1-1051/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган: 1. Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Шохжаҳон кўчасида жойлашган, умумий майдони 92,0 м.кв., фойдали майдони 79,5 м.кв. бўлган, 13, 14, 15, 16, 17, 18-сонли бир қаватли савдо дўконлари. Бошлангич нархи — 90 321 656,58 сўм.

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2013 йил 3 сентябрь кунини соат 11:00 да, Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда, бошлангич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига қуйидаги мулклар такроран қўйилмоқда:

- I. Миробод туман СИБ томонидан 2012 йил 16 апрелдаги 13368/5-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Файзобод» ТИФ боқжона масканида сақланаётган: 1. 1990 йилда и/ч дав. бел. 10 987 FAA бўлган «Газ 53» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 9 458 271 сўм. 2. 1991 йилда и/ч дав. бел. 40 D 492 DA бўлган «Ваз 2121» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 8 925 998 сўм. 3. 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 585 CA бўлган «CHANASC-6382» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 12 506 454 сўм. II. Миробод туман СИБ томонидан: 1. 2012 йил 1 августдаги 27276/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган, 1992 йилда и/ч дав. бел. 01 E 716 GA бўлган «За 968» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 166 740 сўм. 2. 2012 йил 29 августдаги 31606/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган, 2006 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 491 GA бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 13 693 352 сўм. 3. 2012 йил 9 июлдаги 24499/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1992 йилда и/ч дав. бел. X 138 FRM бўлган «Волво 460» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 12 304 873 сўм. 4. 2012 йил 8 октябрдаги 34263/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 B 321 BA бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 37 548 000 сўм. 5. 2012 йил 1 августдаги 14744/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2001 йилда и/ч дав. бел. X 195 BCN бўлган «Тайота Кэбри» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 22 972 348 сўм. 6. 2012

- 28 223 000 сўм. 4. 1991 йилда и/ч дав. бел. 10 BA 712 бўлган «Камаз-5320» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 28 752 000 сўм. 5. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 767 САА бўлган «Газ-2752-414» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 37 321 000 сўм. 6. 2012 йил 23 июлдаги 1-185/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 R 216 JA бўлган «Лексус GX470» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 160 507 000 сўм. 7. 2012 йил 23 июлдаги 1-185/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 701 AAA бўлган «NISSAN ALTIMA» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 62 308 000 сўм. 8. 2012 йил 5 мартдаги 1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 D 770 BA бўлган «Лексус RX 350» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 161 834 000 сўм. IV. Чилонзор туман СИБ томонидан 2013 йил 23 январдаги 1-313/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Юнусобод тумани, 8-сонли автокорхона жарима майдончасида сақланаётган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 Y 787 NA бўлган «Нексиа» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 24 480 000 сўм.

ҳужжатсиз қурилма майдони 16,0 м.кв. бўлган савдо мажмуаси. Бошлангич нархи — 294 031 127,52 сўм.

Оқридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилири бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш кунини қолганда соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиз миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалида қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662. Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8371) 250-19-24. www.realtgroup.uz. Лицензия: № RR-0017.

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманидаги «Dilshod — NUR» хусусий фирмаси ўз номини «Dilshod — NUR» масъулияти чекланган жамияти қилиб ўзгартиради.

«Dilshod — NUR» хусусий фирмасига нисбатан давволар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида (+99890) 317-24-10 телефони орқали қабул қилинади.

Тошкент Давлат консерваторияси томонидан 1992 йил 30 майда Алиев Равшанбой Хусанович номига берилган 7965 рўйхат рақамли №106123 сонли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор даҳаси, 28-уй, 12-хонадонда яшовчи Салимов Бахтиёр Батировичга тегишли уй қадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кунини соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 233-21-56. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.

Тошкент Оқшомини МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишигиз мумкин.